



Муяссар БАЛТАБАЕВА,

*Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
Илмий-методик ва тадқиқот хизмати бош мутахассиси*

ОИЛАВИЙ КИТОБХОНЛИК – АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТ

Айни пайтда ахборот-коммуникация соҳасидаги охирги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини оширишга, уларни китоб билан дўст бўлишга, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Ш. МИРЗИЁЕВ

Китоб нафақат қалбларни нурафшон қилувчи, балки инсонни чин маънода комиллик сари етақловчи зиё манбаидир. Китоб инсонга маънавий озука беради, тафаккурини, онгини теранлаштиради, соғлом фикрлашга ўргатади, келажак учун мустахкам пойдевор вазифасини ўтайди. Шунинг учун китобни инсоннинг дўстига менгзайдилар. Яхши китобни мутолаа қилиш эса қалбнинг поклалиши билан баробар.

Бугунги кунда замонавий ахборот технологиялари ривожланиб бораётган сари китоб сотиб олиш, мутолаа қилиш бироз суст даражага тушиб қолганлиги ҳеч кимга сир эмас. Глобаллашув ва ахборотнинг турли оқимлари кўпайиб кетаётганлиги миллий қадриятларга таъсири сезилмоқда. Давр талаблари ўзгарган ва тараккий этгани билан бир нарса аён бўлиб қолмоқдаки, инсоният камолоти учун китобнинг қадри, аҳамияти ҳар доим юксак бўлиб қолаверади. Кейинги пайтларда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган бир қатор ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар бунинг яққол мисоли бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида” ги фармойиши бу эзгу ишларнинг дебочаси бўлди. Фармойишга мувофиқ 3 та ишчи гуруҳ тузилди. Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси асосида “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича чора-тадбирлар дастури” тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб

мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” ги қарори ва у билан тасдиқланган комплекс чора-тадбирлар дастури республикамиз маънавий ҳаётини юксалтиришда муҳим вазифаларни комплекс ҳал қилишга қаратилган ва улкан аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Дастурда кўзда тутилган асосий вазифалардан бири сифатида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этадиган оилавий китобхонликни тарғиб қилишга алоҳида тўхталиб ўтилган.

Ўзбек халқи азалдан китобхон саналган. Ўзбек оилаларида китобга эътибор, китобни авайлаб асраш ва китобхонлик қадимий анъаналардан бири ҳисобланади. Халқимизда китобхонлик оила муҳитида шаклланган. Дастлаб халқ бахшилари оилавий давраларда, тўй-маъракаларда, зиёфат ва гап-гаштакларда қуйлаган дostonлари, айтган киссалари, бобо ва бувиларимизнинг невараларига айтган эртақларини марок билан тинглаш тарзида шаклланган.

Шу ўринда китобхонлик маданияти ҳақида бироз тўхталиб ўтсак. Китобхонлик маданияти жуда кенг ва мураккаб тушунча бўлиб, унинг жуда кўп қирраларини айтиб ўтишимиз мумкин. Булар – инсон ўзининг қасбини, мутахассислигини чуқур ўрганиши ва эгаллаши, бадий-маънавий дунёсини, қолаверса бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун китобни тўғри танлай олиши; китобни мустақил ўқиб, ўзи учун китобнинг мазмунини талқин қила олиши, китобнинг керакли, алоҳида эътибор берган жойларини ёки нотаниш сўзлар учраганда уларнинг талқинини изохли луғат ва энциклопедиялардан билиб олиш учун қоғозга алоҳида қайд қилиб бориши; китобни ўқиганда нималарни эслаб қолиши;

мутолаа кўникмасини ўзига мунтазам равишда одат қилиб олиши; китобни шошилмасдан, тушуниб, ўзлаштириб ўқиши; китобни ўқиган пайтда ундан тўғри фойдаланиши (варақларни букламаслик, ерга қўймаслик, ручка ёки қалам билан китобга ёзмаслик ва ҳ.к.); оммавий кутубхоналар фондини очиб берувчи маълумот-библиографик аппарати, яъни каталог ва картотекалар билан ишлай олиши; китоб (айниқса бадий китоблар)ни ўқиб, унинг фусункор оламига кира билиши, қахрамонлар ҳолатини ҳис қила олиши ва ҳ.к. Ўзи ўқиган китоб мазмунини бошқаларга хикоя қилиб бериш, қизиктириш ва ўқишни тавсия қилиш эса алоҳида эътиборга молик жиҳатдир. Айтиш мумкинки, бу ҳислатлар китобхонликнинг бош шарти бўлиб саналади. Ўқиган китобни маълум вақт ўтгандан кейин қайта ўқиш эса кишига ўзгача завқ беради.

Китобхонлик маданиятининг шаклланишида шеърларни бадий, ифодали ўқиш, шунингдек, мушоиралар ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Мумтоз шеърининг турли жанрларида битилган шеърлар, аруз вазнида ёзилган рубоийлар, айниқса ғазаллар майин, охиста ўқилишни талаб қилади. Асар сўзларидаги ҳар бир бўғинга урғу бериш лозим, баланд овозда зўр бериб (баъзан қичқириб) ўқиш мумкин эмас. Бу эса ўз навбатида шахс нутқ маданиятининг юксалишига катта таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда оилавий китобхонлик анъаналарини тиклаш нима учун муҳим? Биринчидан, бу ўсиб келаётган авлод тарбиясининг энг асосий бўғинларидан биридир. Айнан биргаликда ўтказилган вақт ота-оналар ва фарзандларни боғловчи маънавий кўприк бўла олади. Ҳаттоки биринчи марта ўқилган шеър ҳам гўдак шахсининг ривожига аҳамиятли ҳисса қўшади. Фарзанд она товушини эшитиши, шу билан ўзини хавфсизликда сезади. Бу эса хотиржамлик ва ўзига ишончини кучайтиради. Иккинчидан, оилавий китобхонлик болада китобга ва адабиётга бўлган тўғри муомалани ўргатади. Агар бола гўдак-лигидан мутолаа қилувчи ота-онасини кўриб ўсса, албатта уларнинг хатти-ҳаракатларини, ўзларини тутишини такрорлайди ва келажакда ўзи ҳам китобга ошно бўлишга интилади.

Оилавий китобхонлик боланинг китобга бўлган эътиборини кучайтиради, бадий образлар, айниқса баён қилиш услуби тўғрисида бирламчи тасаввурларни беради. Бундан ташқари она ўқиётган вақтда бола тўғри нутқ кўникмаларини ҳам ўзлаштиради. Ота-онаси билан кўп мутолаа қилиб вақтини ўтказган болалар жамиятда тез мулоқотга кириша олиш қобилиятига эга бўлиб ўсади. Ёши катталар ўртасида мутолаага бўлган қизиқиш йўқлигининг

асосий сабаби ҳам айнан оилада, яъни илк болалик пайтида китоб ўқиш кўникмаси шаклланмаганлигидан келиб чиқади.

Фахр билан айтишимиз мумкинки, бугунги кунда кўпгина оилаларнинг оилавий кутубхонаси мавжуд. Айтиш мумкинки, баъзи оилаларда шундай ноёб, нодир ва ягона нусхадаги китоблар борки, улардан маҳалладошлар ҳам самарали фойдаланса ва бу нафакат мазкур оиланинг, балки маҳалланинг, шунингдек, бутун жамиятнинг маънавий мулкига айланса мақсадга мувофиқ иш бўлар эди. Оилавий кутубхоналар нафакат уйнинг безаги, яъни жавонларга чиройли қилиб терилган ранг-баранг китоблар хонадон эгаларининг “ўқимишли”лигини билдириш учунгина эмас, балки китобларнинг қай даражада кўп ўқилганлиги билан аҳамиятга эга бўлиши даркор. Шу билан бирга китобни эҳтиётлаб ўқишга эътибор қаратиш жоиздир.

Маълумки, ҳар бир китобсеварнинг бирида кўпроқ, иккинчисидан озроқ китоб бор, демак, ҳар бир китобхоннинг каттами-кичикми оилавий кутубхонаси бўлади. Ана шу кутубхонада китобларни тартиб билан жойлаштириш, юзлаб, ҳатто минглаб китоблар орасидан керакли зарур нашни осонлик билан топа олиш учун нима қилиш керак, бунинг қандай осон йўли бор? Бу ҳам – китобсеварликнинг ўзига хос “сир”ларидан биридир. Кутубхонашунослик фанида китобларни жойлаштириш деган ағам мавжуд. Бунинг мазмуни китобларнинг бинода тўғри ва яхши сақланишини таъминлашдан, китобхонга қулай хизмат кўрсатиш ва кутубхонанинг барча хизмат шаклларида кенг фойдаланиш имкониятини яратиб беришдан иборатдир.

Кутубхона фондларини жойлаштириш усуллари ичида системали, алифболи, хронологик, географик, формат (шакл) ҳамда тиллар бўйича жойлаштириш энг асосий усуллардан ҳисобланади. Алифболи усулдан бошқа усуллар мустақил равишда қўлланилмайди, балки бир-бири билан биргаликда қўлланилади. Масалан, системали жойлаштириш, одатда, алифболи усул билан, журнал ва газеталарни тоқчаларга жойлаштиришда эса кўпинча алифболи-хронологик усул билан бирга қўлланилади. Бунда биринчи асосий усул бўлиб, иккинчиси ёрдамчи усул сифатида хизмат қилади. Системали-алифболи усулда жойлаштиришда системали усул асосий усул ҳисобланади, чунки у фондни жойлаштиришда асосий тартибни белгилаб беради, алифболи усул эса бу ерда ёрдамчи усул сифатида хизмат қилади.

Кутубхона фондини жойлаштириш усули фондининг катта-кичиклигига, фонд таркибидаги

нашрларнинг турларига, китобхонларга хизмат кўрсатишда қандай тизим қўлланишига қараб белгиланади. Айни шу қоидаларни оилавий кутубхонаси бор китобхонлар ижодий қўллай билсалар фойдадан холи бўлмайди.

Оилавий кутубхонада китобларни жойлаштириш тартибига келганда таъкидлаш зарурки, уларни бўлимларга ажратиб жойлаштириш муҳим. Бунинг тахминий тартиби қуйидагича бўлиши мумкин:

- 1) ижтимоий-сиёсий адабиётлар;
- 2) илмий-оммабоп адабиётлар;
- 3) бадиий адабиётлар;
- 4) маърифий адабиётлар;
- 5) маълумотнома нашрлари: луғатлар, энциклопедиялар;
- 6) газета ва журналлар.

Болалар адабиётини эса алоҳида кўргазмали-расмли кўринишда жойлаштириш мумкин. Болалар табиатан қизиқувчан бўлганлиги сабабли бу усул уларнинг кўзини қувонтиради, қизиқиш ва шу билан бирга китоб ўқиш истагини уйғотади.

Борди-ю, оилавий кутубхонада бадиий адабиётлар етарлича бўлса, уларни ўз навбатида наср, шеърят, драматургияга, классик ва замонавий адабиётларга алифбо бўйича алоҳида-алоҳида жойлаштириш мумкин. Ноёб китобларга жавондан махсус жой ажратилгани маъқул. Тез-тез ва кўп фойдаланиладиган китоблар жавоннинг энг кўринарли, олиниси осон бўлган жойига қўйилиши айни муддаодир.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, китобларни тўғри саклаш маданиятига риоя қилинса, улардан узок муддат фойдаланиш имконияти туғилади. Бир нарсага алоҳида эътибор қаратиш керакки, жавон тоқчаларига терилган китоблар 90° (градус) тик ҳолатда қўйилиши керак. Китобларнинг оғирлиги бир-бирига тушмаслиги, жуда ҳам зич терилмаслиги, шунингдек, устма-уст қўйилмаслиги зарур. Китобни ҳар гал мутолаа қилиб бўлгандан сўнг, жавонга териб қўйган маъқул. Вақти-вақти билан жавондаги китобларнинг чангини артиб, тозалаб туриш керак. Хона ҳарорати мўътадил бўлиши, хонани шамоллатиб туриш лозим. Китобни қуёш нури тўғри тушадиган жойда саклаш ҳам нотўғри ҳисобланади. Қуёш нури китоб қоғози сифатига таъсир қилади. Яъни китоб қоғози сарғайиб кетади ва доғ тушади. Китобга сув тегса ҳам, варақлар ўз хусусиятини йўқотади. Китоб яхши ёпилмайди ва уни варақлаш ноқулайлик туғдиради. Китобни ҳар хил ножўя жойларда ташлаб кетиш ҳам мумкин эмас. Китоблар жавон тоқчасининг ўнг томони-

дан чап томонга қараб терилади. Тоқчанинг тугашидан кейин эса кейинги (пастки) тоқчанинг ўнг томонидан худди шу тарзда давом эттирилади. Бу китобларни жойлаштириш бўйича тартибни, яъни давомийликни билдиради.

Фонди бой кутубхонада ҳам, китоби нисбатан оз оилавий кутубхонада ҳам, мавжуд китобларга каталог тузилгани маъқул. Бу умуман кутубхоналарда ҳам, шу жумладан оилавий кутубхоналарда ҳам ишни илмий ташкил этишининг энг қулай ва самарали йўли ҳисобланади. Каталоглаштиришнинг катъий қоидаларидан қандай фойдаланиш китобсеварларнинг ўзига боғлиқ. Аммо ҳар бир китобга алоҳида-алоҳида қарточка тузиб каталог қилиш, қарточкаларнинг ҳар бирида унга қайд этилган китоб ҳақидаги маълумот, яъни китобнинг библиографик тавсифи берилиши лозим. Китоб муаллифи, номи, чоп этган нашриёти, саҳифалар сони, нархи ва ҳ.к. Китоб харид қилинган сана ва жойни ҳар бир китобхон эсдалик сифатида қарточканинг орқасига қайд қилиб қўйса маъқул бўлади.

Оилавий кутубхонаси бор кишилар каталог тузишнинг алифболи ва системали усулидан фойдаланишлари мумкин. Лекин системали усулни қўллаш қулайроқ. Чунки алифболи каталогда китоб алифбо тартибда берилганидан у ёки бу мавзуга оид қандай китоблар борлигини тез топиб олиш мушқул. Китобларни фан турлари бўйича жойлаштириш системали каталогга хос бўлиб, у ёки бу масалага оид китобларни жуда тез аниқлаш имконини беради. Аммо бадиий адабиётда уларнинг ҳар икковини қўллаш унчалик мақсадли эмас. Уни жанр турлари бўйича жойлаштириш ёки унинг қулайроқ шаклини топиш бу китобсеварнинг ақл-заковатига, топқирлигига боғлиқ масаладир.

Мутолаага бўлган қизиқишнинг ортиши, аҳоли саводхонлиги юксак даражага қўтарилиши жамият ва давлатнинг барқарор ривожланиши учун катта имкониятлар эшигини очиб беради. Оилавий кутубхонани ташкил қилиш, оилада китобхонлик маданиятини шакллантиришда ота-оналарнинг ташаббуси муҳим ҳисобланади. Шундай экан, фарзандларимиз қамоли учун бу эзгу ишларни орқага сурмайлик. Ота-боболаримиз айтганларидек, бола тарбияси бешиқдан бошланади. Ўзбек оиласининг азалий кадриятларидан бири ҳисобланган оилавий китобхонликни тиклаш, асраб-авайлаш, уни келажак авлод онгу шуурига сингдириб бориш – асосий вазифаларимиздан бири бўлмоғи лозим. Зеро, китоб ҳамма даврларда ҳам етти мўъжизанинг бири сифатида китобсевар халқимизнинг маънавий зийнати бўлиб қолаверади.